Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

3-йил чиқиши
2 ФЕВРАЛЬ 1968 й.
ЖУМА
№ 27 (486)
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

РАЙОН ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИДА

ОКТЯБРЬ РАЙОНИ

Кеча Октябрь район XXXII партия конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияда район партия комитетининг биринчи секретари **Т. С. Содиқов** ва ревизия комиссиясининг ҳисобот докладлари эшитилди.

Конференцияда район партия комитетининг ва ревизия комиссиясининг янги составн ҳамда Тошкент шаҳар ва область партия конференцияларига делегатлар сайланди.

Конференция ишида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари **Р. Н. Нишонов**, Тошкент область партия комитетининг секретари **Х. Р. Мусахонова**, шаҳар партия комитетининг секретари **М. А. Толипов** қатнашдилар.

* * *

Октябрь район партия комитетининг пленуми бўлди. Пленум райкомнинг биринчи секретари қилиб **Т. С. Содиқов**, райком секретарлари қилиб **В. И. Золотих** ва **Т. А. Мирзаахмедовани** сайлади.

ФРУНЗЕ РАЙОНИ

Фрунзе район XXVI партия конференциясида район партия комитетининг биринчи секретари **Т. И. Акимова** ва ревизия комиссиянинг ҳисобот докладлари эшитилди.

Конференцияда район партия комитетининг янги составн, шаҳар ҳамда область партия конференцияларига делегатлар сайланди.

Конференция ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов**, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси **Р. Қ. Қурбонов**, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари **М. А. Абдураззоқов**, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **С. Р. Расулов** қатнашдилар.

* * *

Район партия комитетининг шу куни бўлиб ўтган пленумида **Т. И. Акимова** район партия комитетининг биринчи секретари **З. Н. Абдураҳимов, Н. Т. Захарина** секретарлари қилиб сайланди.

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИ

Чилонзор район партия конференциясида Ўзбекистон КП район комитетининг биринчи секретари **О. С. Соқиев** ва ревизия комиссияси раисининг ўринбосари **К. П. Петренконинг** ҳисобот докладлари тингланди.

Конференция район партия комитетининг янги составини, шаҳар ва область партия конференцияларига делегатлар сайлади.

Конференция ишида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари **Н. М. Матчонов**, Тошкент область партия комитетининг секретари **К. Н. Бекаев**, шаҳар партия комитетининг секретари **Р. Н. Бобожонова** қатнашдилар.

* * *

Чилонзор район партия комитетининг пленуми бўлиб, унда **О. С. Соқиев** район партия комитетининг биринчи секретари, **Ғ. Ҳ. Қурбонов** ва **В. А. Юханова** район партия комитети секретарлари қилиб сайланди.

(Конференция иши ҳақидаги ҳисобот газетамизнинг келгуси сонида босилади).

ҲАШАМАТЛИ УЙЛАР

Янги уй-жой биноларини қабул қилувчи давлат комиссиясига ғалаба рапортлари узлуксиз келиб турибди.

Бугун комиссия олинган ҳужжатларнинг адреси бўйлаб қурилиш майдонларига борди. Қардош Озарбайжоннинг қўли гул бинокорлари ажойиб совға тайёрлашибди. Рисовая кўчасида бўй чўзган бу совға 90 оилани ўз қучоғига олади.

Россия Федерациясининг Тула қурилиш-монтаж поезди аъзолари Чилонзорнинг «В-23» кварталида 280 эркатойни хурсанд қилишадиган бўлди. Улар учун ҳашаматли боғча эрта-индин эшикларини очади.

153-қурилиш трестининг 1-қурилиш бошқармаси устакорлари Волгоград кўчасида яхшигина магазин қуриб беришди. 20 ўринли бу магазинда озиқ-овқат савдоси бошланади.

«Крупнопанельжильстрой» трестининг 18-бошқармаси Шимолий-Шарқ массивида 140 ўринли болалар боғчасини фойдаланишга топширди. Шу трестнинг 2-бошқармаси устакорлари эса Чилонзорнинг «Д-19» кварталида бири 72 квартирали, бири 96 квартирали уй-жой биноларини тайёрлашди.

Туркистон ҳарбий округининг бинокорлари эса Луначарское шоссесида 48 квартирали уйни қуриб бўлишди.

ИККИ БАРАВАР ОРТДИ

ТашГРЭС микрорайони массивидаги 23 та кўпқаватли уйларни иссиқ сув билан таъминлаш учун шу вақтга қадар иккитагина қозон ишлатиб келинди. Оқибатда ҳамма хоналарда иссиқ сувнинг етарли бўлмаслиги аҳолини ҳақли равишда ранжитиб келаётган эди.

Яқиндан бошлаб бу камчиликларга барҳам берилди. Олдингиларига қўшимча равишда яна иккита «ОВД» типидаги сув иситувчи қозон ишга туширилди.

— Бу билан,— дейди массив коммунал хўжалиги бўлимининг инженери ўртоқ Нуриддин Хидиров, — хоналарни иссиқ сув билан таъминлаш қуввати икки баравар ортди.

● *Шаҳримиз истиқболи*

БИРЛАШМА БИНОСИ

Куйбишев ва 1 Май кўчаларидан ўтиб бораётган йўловчилар транспорт ойналаридан тахта девор орқасига қизиқиб боқадилар.

— Бу ерда нима қуриларкин, билмайсизми, деб кондуктордан сўраб қўйишади.

Тахта деворлар орқасида 11-қурилиш трестига қарашли 69-қурилиш ва 1-механизация бошқармаси ҳамда «Главташкентстрой»нинг 2-механизация бошқармасининг ишчилари эски уйларни бузишяпти. Яқинда бу ерда экскаваторлар ҳайқиради, чўмичлари билан ер бағридан кавлаб олган тупроқларни ағдарма машиналар елкасига ортиб беради. Ҳозир қурилиш майдони тайёрланмоқда.

1969 йилнинг март-февраль ойларида тошкентликлар кўз ўнгида ойна ва бетонлардан қурилган олти қаватли бино гавдаланади. Ҳозирча бу бинонинг макети тайёр. Бу бино пойтахт марказини ҳозирги замон совет архитектурасининг яна бир кўриниши билан бойитади. Бино «Ўзбекнефть» ва «Главнефтьснаб» бирлашмасига атаб қурилади.

Инженерлик ишлаб чиқариш корпусининг қадди олти қаватли бўлади. Бинонинг олд томони 1 Май кўчасига қараган бўлиб, кўчага ҳусн киритади. Биринчи, учинчи қаватларни маъмурий-бошқарма ходимлари эгаллайдилар. Тўртинчи, бешинчи, қаватларда турли илмий ишлар тажрибасини ўтказиладиган лабораториялар жойлашади. Олтинчи қават эса. Тошкентга келган мутахассисларга хизмат қилади. Бу қаватда 100 ўринли ётоқхона бўлади.

Куйбишев кўчасига қараган уч қаватли бинонинг биринчи қаватида «Нефтяник» ошхонаси жойлашади. Бу ошхона 75 ўринли бўлади. Иккинчи, учинчи қаватда эса 150 киши сиғадиган иккита кенгаш зали қурилади. Замонавий кинопрокат ускуналари билан жиҳозланган бу залларда бирлашма ходимлари ҳар хил бадиий ва хужжатли фильмларни томоша қиладилар.

Инженерлик ишлаб чиқариш корпуси коммуникациянинг, кондиционерларнинг ҳамда офтоб туширмайдиган қурилмаларнинг ҳар қандай турлари билан жиҳозланади. Бу, ходимларнинг нормал иш олиб боришлари учун яхши имконият яратади. Бадиий ёзув усталари бино деворларига миллий маданиятни акс эттирувчи суратлар чизадилар.

Ҳозир «Узгипротяжпром» институтининг архитекторлардан иборат муаллифлар группаси «Главташкентстрой»га қарашли 11-трестнинг 69-бошқарма қурувчиларига тақдим этиладиган чизмакашлик ишларини ниҳоясига етказди.

ТЕЗКОРЛИКДА ДАВОН ОШИЛДИ

Россия Федерациясининг азамат бинокорлари бир ярим йил ичида Тошкентда 150 минг квадрат-метрдан зиёд уй-жой, жами 980 ўринли 4 та болалар комбинати ва 1380 ўринли мактаб биноларини қуриб фойдаланишга топширдилар.

Ҳозир россиялик қурувчилар тўққиз қаватли осмонўпар биноларни қуришга киришдилар. Шу йилнинг охиригача баланд уйлардан 41 таси фойдаланишга топширилади. Бу уйлар 9 баллга мўлжаллангандир. Шунинг учун ҳам қурилиш ишларида ўзига хос талабчанлик, моҳирлик даркор. Баланд иморатларни қуриш 12-14 ойга мўлжалланган.

Лекин қурувчиларни бир нарса ўйлантириб қўйди. Қандай бўлмасин ана шу муддатни қисқартиш, уйларни барвақт фойдаланишга топшириш вазифаси турарди.

Россия Федерацияси поездларининг бошлиқлари, инженерлари ва уста қурувчилари бу масалани ҳар томонлама қизғин муҳокама қилишди. Барча таклиф ўрганилди. Шундан кейин қурилиш муддатини икки марта қисқартишга келишилди. Эндиликда 41 та 9 қаватли уй 12-14 ойда эмас, балки 6—7 ойда ишга тушириладиган бўлди.

Тажриба Тула, Москва атрофи, Новокузнецк бинокорлари қураётган уйларда синаб кўрилмоқда. Уста қурувчиларнинг фикрига қараганда ташаббус тажрибада ўзини оқлаяпти.

Россиялик бинокорлар тезкорликда яна бир давом ошишди.

И. М. ОРЕХОВ.

1-АВТОРЕМОНТ ЗАВОДИДА Е. ГРИГОРЬЯН БЕШ ЙИЛДАН БУЁН ИШЛАЙДИ. У ФИДОКОРОНА МЕҲНАТИ ТУФАЙЛИ КОЛЛЕКТИВНИНГ ҲУРМАТ-ЭЪТИБОРИНИ ҚОЗОНГАН. УНИНГ ҚЎЛИДАН ЧИҚҚАН МАҲСУЛОТЛАР СИФАТИ ДОИМ ЮҚОРИ БАҲОЛАНАДИ.

Н. Глауберзон фотоси.

Йиғувчи-слесарь Х. Расулов Тошкент рўзғор холодильниклари заводининг пешқадам ишчиси. Янги «Оазис» холодильникларини йиғишда фаол иштирок этаётган бу меҳнатсевар йигит беш йиллик топшириғини уч ярим йилда бажаришга аҳд қилган. Х. Расулов Тошкент тўқимачилик институти технология факультети кечки бўлимининг учинчи курсида ўқимоқда.

СУРАТДА: Х. Расулов.

М. Нуриддинов фотоси.

Заргарларнинг янги адреси

Тошкент заргарлик фабрикаси 357,4 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, январь ойи планини муддатидан бир кун олдин 100,5 процент бажарди. Бу ўтган йилнинг шу ойдагидан 37 процент кўп буюмлар ишлаб чиқарилди, деган сўздир.

Янги йилнинг ўтган кунларида «Самарқанд», «Нур», «Барг», «Ананас» номи билан янги зираклар, размерсиз узуклар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Йил охиригача ўзлаштириладиган янги буюмлар номи 38 тага етказилади.

А. Навоий юбилейи олдидан улуғ шоирнинг заррин суратлари солинган, унинг қабри акс этган чиройли сувенирлар, Самарқанднинг 2500 йиллиги муносабати билан шаҳарнинг тарихий меъморчилик обидалари тасвири туширилган турли қутилар ишлаб чиқарилади.

Фабрика маҳсулотларига талабнинг ошаётганлиги ва ишлаб чиқариш ҳажми кенгайиб бораётганлиги муносабати билан янги заргарлик заводи қуришга қарор қилинган ва 550 минг сўм маблағ ажратилган эди.

Янги корхона қурилиши қизғин бошлаб юборилди. Унинг саҳи 12 минг квадрат метр майдонни эгаллайди. Ишлаб чиқариш участкаларида ҳавони кондиция қилиб турувчи ускуналар ўрнатилади. Заррин ранглар бериб товланадиган фонтанлар заводнинг номига хос жило бўлади. У ишга туширилгач, йилига 17 миллион сўмлик заргарлик буюмлари ишлаб чиқаради.

Иттифоқда бўлажак бу энг йирик завод заргарлик буюмлари билан мамлакатимизнигина эмас, қатор чет эл давлатларини ҳам таъминлаб туради. Шундай қилиб, 1970 йилда тошкентлик заргарлар ўз адресини ўзгартиришади.



АЛИШЕР НАВОИЙ ЮБИЛЕЙИГА

Алишер Навоийнинг 525 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика комитетининг мажлиси бўлди. Мажлис Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов раислигида ўтди.

Мажлисда шоирнинг рус тилида босиладиган ўн томлик асарлар тўпламини ва Алишер Навоий юбилейи билан боғлиқ бошқа китобларни нашр этишнинг аҳволи, шоир номидаги Адабиёт музейи биносини жиҳозлаш ишларининг бориши, Алишер Навоий асарларига бағишланган, шунингдек, улуғ шоирнинг ҳаёти ва ижодиёти ҳақидаги кинофильмлар яратиш, театрларнинг юбилей постановкалари ва концерт репертуарларини тайёрлаш, махсус открткалар, конвертлар ва почта маркалари чиқариш ишлари муҳокама қилинди. Министрликлар ва идоралар, ижодий союзлар ва шаҳар ташкилотларининг раҳбарлари ана шу масалалар юзасидан ахборот бердилар.

Комитет министрликлар ва идораларнинг раҳбарларига Алишер Навоийнинг 525 йиллик юбилейига таёргарлик юзасидан бажариладиган барча тадбирларни белгиланган муддатда ўтказишни таклиф қилди. (ЎзТАГ).

Навоий ва Жомий

Халқимиз ўзбек шеърияти ва маданиятининг асосчиларидан бири, буюк мутафаккир Алишер Навоий туғилган куннинг 525 йиллигига қизғин ҳозирлик кўраётир.

Навоий ўз замонасида қардош тожик халқининг олими, файласуфи Абдураҳмон Жомий билан дўстлашган. Ўзбек шоирининг «Хамса»сига тожик олими катта баҳо берган.

Ўзбекистон Маданият министрлиги ана шу икки буюк устознинг хотирасига бағишлаб ўрнатиладиган ҳайкал учун ёпиқ конкурс ташкил қилди. Шу кунларда пойтахтимиз ҳайкалтарошлари конкурс асарини яратишга киришдилар.

Конкурс шартларига кўра Навоий билан Жомийнинг дўстлиги орқали ўзбек ва тожик халқларининг бир оға-инидек яшаётганликлари акс эттирилиши керак.

Бўлажак улкан ҳайкал Самарқанддаги Регистон майдонига ўрнатилади. Икки буюк устознинг ёрқин сиймосига бағишланган бу ёдгорлик давримизнинг яхши обидаларидан бири бўлади.

Конкурс шу йил март ойида Тошкентда якунланади.

Ер шаридан хабарлар

ГВИНЕЯ ХОТИН-ҚИЗЛАРИ СЪЕЗДИДА

КОНАКРИ. Совет хотин-қизлари делегациясининг бошлиғи, Совет хотин-қизлари комитетининг бўлим мудири И. М. Смирнова Гвинея хотин-қизларининг биринчи съездида табрик нутқи сўзлаб, Совет хотин-қизлари Гвинея хотин-қизларининг муваффақиятларига чин кўнгилдан қувонмоқдалар ва хотин-қизларни озод қилишда Гвинея Демократик партиясига янги муваффақиятлар тилайдилар, деди.

Бу съездда Африка, Осиё, Латин Америкаси ва Европадаги 28 мамлакатнинг хотин-қиз ташкилотларидан келган вакиллар қатнашмоқда. Улар ўзларининг табрик нутқларида Вьетнам халқининг АҚШ агрессиясига қарши олиб бораётган қаҳрамонона кураши билан бирдамлик изҳор қилдилар, Яқин Шарқдаги Исроил босқинчиларини қораладилар, озодлик ва миллий мустақиллик учун курашаётган «Португалия» Гвинеяси, Ангола, Мозамбик ва бошқа мамлакатлар халқларининг одилона курашини тўла равишда қўллаб-қувватлаётганликларини айтдилар.

[ТАСС].

ҚАРДОШЛИК ЁРДАМИ

ЖАЗОИР. Чет эл интервенциясига ва маҳаллий реакцияга қарши курашаётган қардош Яман халқига ёрдам тариқасида Жазоир ҳукумати Яман Араб Республикасига ўн миллион динарлик чек топширганлигини Жазоир Революцион Кенгашининг аъзоси Шарип Бил Қосим Жазоир журналистлари билан ўтказилган учрашувда айтиб берди.

[ТАСС].

ГАНА МИЛЛИЙ-ОЗОДЛИК КЕНГАШИНИНГ ФАРМОНЛАРИ

АККРА. Гана Ньюс агентлиги хабар беради: Миллий-Озодлик Кенгашининг фармонига мувофиқ Ганада Таъсис мажлиси ташкил қилинади. Таъсис мажлиси сайлаб қўйиладиган 140 аъзодан ва қабилаларнинг шайхларидан тайинланадиган 9 аъзодан иборат бўлади. Мажлис ўзига кўриб чиқиш учун топширилган таклифларни муҳокама қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Шу билан бир вақтда эълон қилинган фармонга кўра, Конвент халқ партиясининг кўзга кўринган ҳамма аъзолари мамлакатда 10 йил давомида жамоат лавозимларида шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиндилар. Гана Конвенти халқ партиясини Миллий-Озодлик Кенгаши 1966 йил февралдаги давлат тўнтаришидан сўнг тарқатиб юборган эди.

[ТАСС].

ВАТАНПАРВАРЛАРНИНГ ЗАРБАЛАРИ

ХАНОЙ, 31 январь. **ТАСС махсус мухбири Б. ПЕТРОВ хабар беради:**

Озодлик халқ қуролли кучларининг жангчилари кеча бутун Жанубий-Вьетнам территориясида муваффақиятли жанговар ҳаракатларини бошладилар. 9 та катта шаҳарга, шу жумладан Сайгон, Гуэ, Дананг, Плейкуга ҳужум қилинди. Ханой радиосининг Озодлик радиостанциясига асосланиб хабар беришича, бугун эрталаб соат 6 дан 30 минут ўтганда ватанпарварлар Гуэ шаҳри радиостанциясини ва унинг марказий муассасаларини ишғол қилдилар.

Сайгон кўчаларида жанглар бўлаётганлиги тўғрисида хабарлар олинмоқда. Ватанпарварлар президент саройига, АҚШ элчихонасига, Жанубий Вьетнамдаги Америка қуролли кучлари қўмондонлиги биносига ва бошқа объектларга ҳужум қилдилар. Сайгон радиостанцияси ишламай қўйди. Ватанпарварлар бетон ва тиканли симлар билан ўралган тўсиқларни портлатиб, қарийб 6 соат давомида АҚШ элчихонаси биносининг бир қисмини ўз қўлларида сақлаб турдилар. Американиклар элчихона территориясига вертолётлардан десант туширишга мажбур бўлдилар. Дастлабки маълумотларга қараганда, америкаликлардан 125 киши ўлдирилган.

Ватанпарварларнинг ҳужуми натижасида Американинг энг катта Тансоннхат ҳарбий ҳаво базаси ишдан чиқарилган.

КИЧИК ГАСТРОНОМ

Бугун

Эрта билан Октябрь районидаги Свердлов номли маҳаллада қувончли воқеа юз берди. Бу ерда аҳоли талаби билан чиройли магазин биноси қад кўтарди. Район озиқ-овқат савдоси бўлими уни ранг-баранг маҳсулотлар билан таъминлади. Оталар магазинни «кичкина гастроном» бўлибди, дейишмоқда.

Магазин ишга туширилди. Қизил лентани қирққан маҳалла комитетининг раиси, собиқ жангчи Ж. Исломов шундай деди:

— Талабимиз бажо келтирилди. Бунинг учун қурувчиларга ва савдо ходимларига раҳмат. Маҳалла кун сайин обод бўлиб бормоқда. Ўз кучимиз билан яхшигина чойхона қурдик. Кўчаларга водопровод келтирилди. Бу йил яна бир қатор ишлар амалга ошади.

СТАЛИНГРАДДА
ФАШИСТ
ҚЎШИНЛАРИНИНГ
ТОР-МОР
КЕЛТИРИЛГАНЛИГИ-
НИНГ 25 ЙИЛЛИГИГА

1918 1968 СССР Қуролли Кучларининг 50 йиллиги олдидан

ТАРИХИЙ ҒАЛАБА





25 йил муқаддам—1943 йил 2 февралда қудратли Совет қўшинлари юксак техника билан қуролланган Гитлер қўшинларини Сталинград остоналарида қуршаб олиб, уларни тор-мор келтирди. Бу ғалаба тарих саҳифасига олтин ҳарфлар билан ёзилди. Немис-фашист қўшинларининг дунёда ҳеч енгилмас армия деб қозонган ёлғон шуҳратини пучга чиқарди.

Зарбдор Совет қўшинлари Сталинград районида 330 минг немис солдат ва офицерларини қуршаб олди, 91 минг фашист каллакесарлари асир олинди. Ана шу асир олинган Гитлер газандалари орасида фашист группировкаларининг бош қўмондони, фельдмаршал Паулюс ҳам бор эди.

Жанг майдонида тил тортган немис фашистларининг сон-саноғи йўқ эди. Сталинград остонасида 5762 артиллерия қуроли, 12 минг 701 пулемёт, 744 самолёт, 1666 танк қўлга киритилди. Совет қўшинларининг Сталинград остоналаридаги тарихий ғалабаси фашистларга қимматга тушди. Улар жуда катта талофот кўриб, мағлубиятга учрадилар. Совет қўшинларининг мислсиз қаҳрамонлиги натижасида қўлга киритилган ғалаба иккинчи жаҳон урушида катта бурилиш нуқтаси бўлди. Барча фронт линиялари бўйлаб Совет қўшинларининг кетма-кет ғалабаси ана шу тарихий ғалабадан сўнг юзага келди.

Суратларда: 1. фельдмаршал Паулюс (чап томондан охирги) совет қўшинлари томонидан асир олинди.

2. Сталинград. Кўча жанглари.

3. Бугунги Волгоград. В. И. Ленин номли майдон ва проспект.

4. Совет ҳукуматининг 50 йиллиги арафасида, 1967 йил 15 октябрда Сталинград жанги қаҳрамонларининг хотирасига бағишлаб монумент ҳайкал ўрнатилди. Бу ҳайкал Мамаев қўрғонида тикланди. Мемориаль ҳайкал-ансамбль Мамаев қўрғони тепасига ўрнатилган 52 метрли она Ватан ҳайкалтарошлик асари билан ҳамоҳангдир.

(ТАСС).



ЭЛ ХИЗМАТИДА

Қўли ширин

— Мулла ака, ёғсизроқ қилиб сузинг!

— Нима, ёғни ёқтирмайсизми, укажон? — сўради ошпаз Турғун ака.

— Ёқтиришга-ку ёқтираман-а, аммо тез иштаҳани бўғиб қўйишини хуш кўрмайманда, — деди хўранда йигит, — ваҳоланки сиз пиширган паловнинг бир дона ҳам гуручини қолдирмай ейиш ҳам қарз, ҳам фарз.

Ошпаз иккинчи хўрандага ош сузар экан, биринчи хўранданинг гапига жавобан кулиб қўйди.

— Нега? — деди ошни иккинчи хўрандага узатар экан.

— Чунки, — деди салмоқ билан биринчи хўранда, — қўлингиз ширин. Аммо лекин ошни қант қиворасизда!

— Енг, ош бўлсин, укажон! — деди Турғун ака кулатуриб...

Касбнинг катта-кичиги бўлмас, ҳар бирининг ҳам ўзига хос масъулияти бўлар экан. Турғун ака касб танлашда унга ана шундай назар билан қаради. Шунинг учун ўйлаб ўтирмай ошпазликнинг этагидан маҳкам ушлади-қўйди. Ана шу касб билан ҳам аҳолига намунали хизмат қилиб, эл-юрт орасида яшаётганлигимни кўрсата оларман, деди ўзига-ўзи. Ширин таомлар тайёрлаб эл кўнглини чоғ этиш учун кўп ўқиди. Билмаганларини тажрибали ошпазлардан сўраб ўрганди. Изланишлар самарасиз қолмади. У ҳозирги кунда Ленин район ошхоналар трестига қарашли 12-ошхонанинг 5-разрядли ошпази.

Ўн йилдан бери ана шу даргоҳда меҳнат қилаётган Турғун Каримов доим хўрандалар мақтовига сазовор бўладиган ош дамлайди.

Коммунистик меҳнат бригадаси аъзоси Турғун Каримов хўрандаларни деб жонбозлик билан ишлаяпти. Шунинг учун ҳам у дамлаган ош ширин бўлади.

◆

Савдо аълочиси

Кўзни қамаштирадиган жун газламаларнинг қай биридан олсин? Бунисидан олай десангиз, кўзга униси чиройли кўринади. Унисидан олай десангиз буниси. Ана шундай дамларда секция мудири Абдулла Зокиров ёрдамга келади.

— Ким учун оласиз, холажон?

— Қизимга, айланай!

— Ундай бўлса мана бу ҳаво ранглисидан олинг.

— Умрингиздан барака топинг, болам!..

Харидор миннатдорчилиги савдо ходимлари учун катта мукофот. Абдулла Зокиров бундай қалб миннатдорчилиги билан биринчи марта тақдирланаётгани йўқ. 20 йилдан бери оёқ учида тик туриб харидорлар хизматини адо этиб келаётган бу савдо аълочиси ана шу йиллар давомида неча-неча харидорларнинг раҳматини эшитмади дейсиз! Республика Савдо министрлиги ҳам Абдулла Зокировнинг ҳалол меҳнатини юксак қадрлади. Уни икки марта Фахрий ёрлиғ билан тақдирлади.

Агар Абдулла Зокировдан секциянгиз ютуғининг сири нимада, деб сўрагудек бўлсангиз у:

— Харидорлар талаби асосида ишлаб, улар дидига мос товар олиб келишимизда, — деб қисқагина жавоб бериш билан кифояланиб қўяқолади.

Марказий универсаль магазини жун газламалар секциясининг мудири Абдулла Зокировнинг бу гапида жон бор!

С. МИРЗАЛИЕВ.

● ФАН ОЛАМИДА

ТАСС ИЛТИМОСИГА КЎРА, СССР АТОМ ЭНЕРГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ РАИСИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ И. Д. МОРОКОВ ФАН ВА ТЕХНИКАНИНГ ЯНГИ ЮТУҚЛАРИНИ ҚУЙИДАГИЧА ШАРҲЛАБ БЕРДИ:

АТОМ МАШИНАЛАРИ

Совет Иттифоқида Серпухов, Ереван ва Гатчинада бирданига учта камёб зарра тезлаштиргичнинг ишга туширилиши атом ядросини тадқиқ этиш имкониятларини анчагина кенгайтирди. Шу билан фан ва техника янги тараққиёт босқичига кўтарилди.

Аммо, тезлаштиргичлар ишга туширилиши билан биз улар ёрдамида бирданига янги кашфиётлар қилишимиз мумкин, деб ўйлаш нотўғри бўлар эди. Ҳозирги вақтда олимлар ва инженерлар установкаларни ўзлаштириш ва созлаш билан бирга, биринчи тажрибаларнинг муваффақиятли бўлиб чиқишига шак-шубҳа йўқ. Ушанда яқин келажакда бизни янгидан-янги кашфиётлар кутади.

Ҳозирча уч камёб физик установка вужудга келтирилишининг ўзи Ватанимиз атом фани ва техникасининг етуклиги ва юксак тараққиёт даражасини ажойиб равишда ифодалаб беради, деб мамнуният билан айта оламиз.

Ҳақиқатан ҳам, 6 миллиард электрон-вольт энергияли мамлакатда энг йирик халқа электрон жучайтиргичини лойиҳалаш ва қуриш оддий иш эмасди. Шуни ҳам айтмоқ керакки, Ереванда қурилган тезлаштиргич ўз иши процессида қудратли рентген нурланиш майдонларини вужудга келтиради. Шунинг учун электрон тарамлари тезлаштириладиган вакуум камера радиацион конструкциясини ишлаб чиқиш жуда мураккаб иш бўлди.

Серпухов яқинидаги юксак энергиялар физикаси институтида жаҳонда энг катта тезлаштиргич — протон синхротронининг ишга туширилиши ўтган йилда физиклар учун биринчи даражали аҳамиятга эга асосий воқеа бўлди, албатта. Тезлаштиргич 70 миллиард электрон-вольтдан иборат рекорд энергияга эга. Мазкур «асбоб»нинг миқёсларини тасаввур этмоқ учун бир неча рақамни эслатиб ўтиш кифоя. Тезлаштиргич электромагнитининг диаметри ярим километр, протонлар ҳайдаладиган вакуум камераси узунлиги 1,5 километр, электромагнит вазни 22 минг тонна, энергия билан таъминлаш системасининг қуввати 100 минг киловатт. Электромагнит характеристикаси билан уни аниқ ўрнатишга алоҳида талаблар қўйилди. Протонлар тарамини бошқарувчи мураккаб схема замонавий радио-техника қурилмаларининг катта комплексидан иборат бўлиб, тезлаштиргичнинг муваффақият билан ишлаши кўп жиҳатдан ана шунга боғлиқ бўлди.

Ленинград яқинидаги Гатчинада янги синхроциклотрон ишга туширилганлиги каби бошқа бир муҳим воқеа ҳақида эслатиб ўтмай илож йўқ. Бу ҳам ўз классида нодир тезлаштиргичдир. Унинг энергияси ана шу категориядаги энг кучли тезлаштиргич-Берклидаги (АҚШ) синхроциклотрондан устун келади.

Ўз-ўзидан маълумки, совет атом фанининг эришган муваффақиятлари ана шулар билан тамомланиб қолмайди, албатта. Совет атом фани неча ўнлаб йўналишларга тармоқланиб, табиат қонунларини билишда тобора янгидан-янги ғалабаларга эришиб, табиётшунослик ва техникани бойитиб бормоқда.

Атом энергетикаси — тадқиқотчилик фикри муваффақиятларининг амалий ифодасидир. Сўнгги вақтларда мамлакат экономикасида атом энергетикасининг аҳамияти янада мустаҳкам қарор топди. Атом электростанцияларисиз бугунги ва эртанги куннинг халқ хўжалиги вазифаларини ҳал қилиб бўлмаслигига ўрганишиб қолдик.

Сибирь, Ново-Воронеж, Белоярский, Мелекесс атом электростанциялари муваффақиятли ишламоқда.

Утган йили Ново-Воронеж станциясининг биринчи блоки 1,5 миллиард киловатт-соат чамаси электр энергияси ишлаб чиқарди. У ишга туширилганидан бери эса, қарийб 4 миллиард киловатт-соат электр энергия ҳосил қилди. Мазкур станциянинг реактори белгиланган 210 минг киловатт қувватдан ошиб кетиб, 240 минг киловатт қувватга етди.

Белоярский атом электростанцияси биринчи блокининг реактори лойиҳадаги қувватга етди. Бу — катта муваффақиятдир, чунки бу актив зонасида буғи ортиқча қиздирилган жаҳонда биринчи саноат реакторидир.

Янги, 1968 йил арафасида Белоярский атом электростанцияси иккинчи блокининг ишга туширилиши катта воқеа бўлди.

1967 йилда Ново-Воронеж станцияси иккинчи блокини ва Манғишлоқ ярим оролида тез нейтронларда ишлайдиган реакторли станцияни қуриш давом эттирилди. Биз мана шу атом электростанциялари ишга туширилишининг гувоҳи бўладиган кун яқин қолди.

Ўтган йили янги атом электростанциялари, чунончи, мамлакатимизнинг узоқ шарқи-шимолидаги Билибино посёлкаси районида (Магадан области) блокли атом электростанцияси қурила бошланди. Яқин келажакда атом электр энергияси ва иссиқлиги мамлакатимизнинг фойдали қазилмаларга жуда бой бўлган мана шу районини ривожлантиришда қанчалик катта рол ўйнаяжагини тасаввур этиш қийин эмас.

● *Иқтисодий ислоҳот амалда*

ИЛК ҚАДАМ

Корхонамиз планлаштириш ва моддий рағбатлантиришнинг янгича системасига ўтишдан олдин кўпгина ишчиларимиз иккиланган, янги системанинг афзаллигидан шубҳаланишган эди. Шунга қарамай, республикада биринчилар қатори 1966 йилнинг биринчи апрелидан бошлаб янги ислоҳотни жорий қилдик. Янги усул устун эканлигини амалда кўрдик. Буни қуйидаги рақамдан ҳам кўриш мумкин: агар 1966 йили рағбатлантириш фондига ҳаммаси бўлиб 304 минг сўм ажратилган бўлса, 1967 йили бу фонд 403 минг сўмга етди.

Бу фондлар қандай жамғарилади ва тақсимланади? Албатта, планлаштириш бошқаю, планда кўзда тутилган рақамларни амалга ошириш бошқа. Бунинг учун кўпгина қийинчиликларни енгиш, биринчи навбатда кишиларда янги усулда ишлаш учун кўникма орттиришга тўғри келди. Ҳар бир цех, бригада ва участкада мутахассислар тушунтириш ишларини олиб боришди. Станоклар иш унумини ошириш, ортиқча дастгоҳларни бошқа ташкилотларга бериш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва таннархини камайтириш туфайли кўплаб фойда олинди. Бу ўз навбатида ишчиларнинг моддий-маданий эҳтиёжларини таъминлаш, ўз отпускаси ва фарзандлари каникулларини мароқли ўтказиш имкониятини берди.

Фирма рағбатлантириш фондини тўғри тақсимлашда маъмурият билан касаба союз корхона комитети бамаслаҳат иш олиб борди. Биргаликда смета тузилиб, сўнгра кенгайтирилган мажлисда муҳокама қилинди. Фондлардан фойдаланишни касаба союз комитети мунтазам назорат қилиб боради. 1967 йили ҳар бир ишчи мукофот, курорт ва дам олиш уйига йўлланма ва бошқа ёрдам тариқасида ўрта ҳисобда ойига 15 сўмдан қўшимча ҳақ олди.

Фирмада йиллик натижага қараб қўшимча ҳақ тўлаш шартлари белгиланган. Қўшимча иш ҳақи тўлашда ишчининг иш стажи ҳисобга олинади. Масалан, бир йилдан уч йилгача, уч йилдан олти йилгача, олти йилдан тўққиз йилгача, тўққиз йилдан 12 йилгача, борингки, ҳар уч йилда йиллик иш ҳақига қўшимча ҳақ тўлаш ўзгариб туради. Фонднинг ортиши туфайли ўз навбатида мукофот пуллари тўлаш проценти ҳам ортиб боради. Масалан, 1966 йили иш стажи бир йилдан уч йилгача бўлган ишчиларга ойлик иш ҳақининг 25 проценти миқдорида, стажи 3 йилдан 6 йилгача бўлган ишчиларга 35 проценти миқдорида қўшимча ҳақ тўланган бўлса, 1967 йили бу рақам 30 ва 50 процентни ташкил қилди. Иш стажи 12 йилдан ортиқ ишчилар 100 процент қўшимча ҳақ олишмоқда. Корхонада бу рақам янада ортиши кўзда тутилмоқда. Чунки коллектив 1967 йилга нисбатан маҳсулот ишлаб чиқаришни 18 процент оширишни планлаштирган.

Планлаштириш ва моддий рағбатлантиришнинг янги усулига ўтиш буюртмачилар билан корхона, истеъмолчи билан корхона узвий боғлиқ бўлишини талаб қилади: хом ашё ўз вақтида етказиб берилмаса, план бажарилмай қолади; корхона чиқарган маҳсулот истеъмолчига ёқмаса, оборот бўлмайди. Бу йил планни тўла бажариш учун 1057 минг сўмлик газлама ва 29 шартли тонна резина ип билан 4,5 тонна поливинилацетат эмульсияси зарур бўлади.

Аммо ҳозирнинг ўзидаёқ бундай маҳсулотларга муҳтожлик сезилмоқда. Самарқанд шойи фабрикаси бизга зарур бўлган артикулдаги молларни тайёрлаб бермаётир. Шунингдек 0,27 киловатт қувватга эга бўлган электр моторлар етарли эмас. Шу сабабли январь ойида маҳсулот ишлаб чиқариши планлаштирилган 13 процент тўқув машинаси бекор турди.

Кези келганда шуни ҳам айтиш лозимки, ишимизга халақит бераётган кўпгина камчиликлар бор. Фирма ишчиларининг 75 проценти хотин-қизлардан иборат. Аммо болалар учун на ясли, на боғчамиз йўқ. Боғча қурилиши учун 58 минг сўм пул бор. Аммо участка ажратиб берилмаганлиги туфайли бу маблағ йилдан-йилга қолиб кетмоқда.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, планлаштириш ва моддий рағбатлантиришнинг янги системаси корхоналарга катта ҳуқуқ берилган. Лекин шунга қарамай министрлик баъзи масалаларда ҳамон ўз позициясини қўлдан беришни истамайди. Нормативда рағбатлантириш фонди иш ҳақи фондининг 14 процентини ташкил этиши лозим. Аммо Енгил саноат министрлиги эса фақат 9,3 процентни тасдиқлайди. Бунинг сабаби сўралганда, улар, бу процент энг сўнгги босқич, дейишади. Бизнингча ишга бундай муносабатда бўлиш ишчиларнинг моддий манфаатдорлигига путур етказади. Бундан ташқари рағбатлантириш нормативларини иш ҳақи фондидан эмас, балки бевосита фойдадан ажратиш зарур.

Ҳар бир ишчи ўзига бириктирилган дастгоҳ ва участкага бошқача кўз билан қарайдиган бўлиб қолди. Агар коллектив ўз истиқболини яхши билиб, узоққа мўлжалланган нормативлар ишга солинса, ютуқлар янада мустаҳкамланарди.

И. ШОДИБЕКОВ,

«Учқун» тўқимачилик-галантерея фирмасининг директори.

Ф. Велиаҳметов шаҳримизнинг «Марказ-5» микрорайонида кўплаб турар жой бинолари қураётган Куйбишев қурилиш-монтаж поездининг пешқадам механизаторларидан биридир. Ҳозир 50 квартирали уй қурилишида ишлаётган бу пешқадам бинокор йирик панел блокларини монтаж этишда жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилаётир.

СУРАТДА: Ф. Велиаҳметов.



Қуйлиқдаги уйсозлар шаҳарчаси кун сайин обод бўлиб боряпти. Қисқа муддатда бу ерда кўплаб турар жой бинолари, маданий-маиший объектлар ва болалар муассасалари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ҳозир уйсозлар шаҳарчасининг иккинчи навбати жадал суръатлар билан бунёд этилмоқда.

СУРАТДА: уйсозлар шаҳарчасидаги марказий кварталнинг кўриниши.

М. Нуриддинов фотолари.

● *Олий ўқув юртларида*

Билимга ташна йигит

Орзу тилак йўли меҳнат тагида,
Хазинанинг мўли меҳнат тагида.

Абушукур БАЛҲИЙ.

Меҳнат қилган киши тилагига етади! Муҳиддин ҳам ана шундай қилди. Кечани-кеча, кундузни-кундуз демади. Қўлида китоб, бутун қалби, вужуди билан мутолаа қилди. Пушту тили ҳам, инглиз тили ҳам, фалсафаю тарих ҳам унинг ақлу шуурига бош эга бошлади. Бу фан устодлари эса, Муҳиддинга ҳурмат ва эътибор кўзи билан боқдилар, билминг «аъло» дея елкасига қоқдилар. Муҳиддиннинг орзу-ниятлари бир-бир юз очиб кела бошлади. Мана, у ҳозир Ленин стипендиати!

Муҳиддин фақат аъло ўқиш билангина чекланиб қолмади. У факультет ишларида ҳам актив қатнаша бошлади. Унинг аълочи, тиниб-тинчимас ва жонкуяр ўртоқ эканини сезган афғон группасидаги дўстлари ўзларига группа комсорги қилиб олдилар. У тез орада факультет комсомол комитетининг бюро аъзолигига, иккинчи курс бошида эса, шарқ факультети комсомол ташкилотининг секретарлигига сайланди.

Муҳиддин ўзида яна ҳам юксак масъулиятни ҳис этди. Дўстлар унга ишонч билдиришди. Демак ишончни оқлаш керак. Ишлар қизиб кетди. Газеталарга обуна ўтказиш, факультет деворий газеталарини мунтазам чиқариб бориш, имтиҳонга тайёргарлик ва мустақил ўқишлар ҳақида ахборот олиш, студентларни комсомол сафига тортиш, турли темаларда лекция уюштириш, ўзлаштирмовчилар билан суҳбатлашиш... Бу ишлар Муҳиддинни шошириб қўймади. Ҳаммасига вақт топди, ҳаммасини уддалади. Ўртоқлари орасида эътибори яна ҳам ортди.

Бундан ташқари студентларнинг илмий жамиятига аъзо бўлиб кирди. Мустақил илмий иш билан шуғуллана бошлади. Унинг пушту грамматикасига оид илмий иши ўқитувчилар томонидан алоҳида тақдирланди.

Муҳиддиннинг комсомол соҳасидаги ишлари ТошДУ комсомол комитети томонидан бошқаларга намуна қилиб кўрсатилди.

Юрагида ўт чақнаган, дўстларидан сира ёрдамини аямайдиган бу тиришқоқ йигит ҳозир тўртинчи курсда ўқияпти. Унинг билимга ташналиги, хулқ-одобда ибратлиги ва комсомолга хос принципиаллигини назарга олиб, чет элда ўқиб келиш учун йўлланма берилди. У яқинда Афғонистонга жўнаб кетади. Муҳиддин Аҳмедов Қобул университетида ўз мутахассислиги бўйича билимини ошириб, жонажон Ватанига қайтади.

М. ҲАСАНОВ,
Ҳ. МУЗАФФАРОВ.

ЯНГИ КИТОБЛАР

Ғафур Ғулом номидаги бадиий нашриёт туркман ёзувчиси Тангриқули Тағановнинг «Дурлар хазинаси» повестини босмадан чиқармоқда. Асарни ўзбек тилига Эркин Носиров таржима қилган.

Адиб ўз асарида, бундан қарийб икки аср муқаддам туркман халқининг бошидан кечган аянчли аҳволини шу халқнинг севимли шоири Махтумқули образи орқали очиб беради. Асарда Махтумқулининг машаққатли ҳаёти ва муҳаббати тасвирланади.

Шунингдек, бадиий адабиёт нашриёти улуғ мутафаккир А. Навоий туғилган куннинг 525 йиллиги олдидан, Навоий асарларининг охирги XIV—XV томларини босмадан чиқармоқда. Тўпламларни Парсо Шамсиев тайёрлаган. Ундан ташқари филология фанлари кандидати И. Владимирова таҳрири остида ўзбек ёзувчиларининг ҳикояларидан янги тўплам рус тилида босмадан чиқмоқда. Тўпламга ёзувчилардан А. Қаҳҳор, С. Аҳмад, О. Ёқубов, С. Зуннунова, Ш. Холмирзаев, Ў. Умарбеков, С. Анорбоев ва бошқа ёзувчиларнинг янги ҳикоялари киритилган.

Нашриёт драматург Уйғун танланган асарларининг IV томини, И. В. Тургенев ҳикояларини тўплам ҳолида тайёрлаб чиқармоқда.

Ер шаридан хабарлар

ССССР—Америка журналисти кўзи билан

● Совет олимига миннатдорчилик

● АҚШ янги урушга баҳона қидирмоқда

Янги дунё кишиси ҳақида

Кейинги визитимдан бери СССР да кўп ўзгаришлар бўлганини кўрдим. Фақат моддий фаровонликкина ўсиб қолмай, кишилар кайфиятида ҳам сезилади бу нарса. Одамлар хотиржамроқ, дадилроқ бўлиб қолишган. Улар хаётларида камчилик бутунлай бартараф этилмаганини очиқ гапирадилар. Аммо уни тўғрилаш мумкинлигига ишонишади ва мамлакатда қилинаётган ишларнинг ҳаммаси учун шахсий масъулиятни тушунишади.

Бу масъулиятлилик сезгиси иқтисодий реформанинг натижасидир. Ишчилар ва бошлиқлар ўз корхоналари учун план тузишда, даромадни тақсимлашда актив қатнашиб ўз кучларига ишонч сезадилар ва катта ташаббус кўрсата бошлаганлар.

Советлар мамлакатида ҳаётга социализмнинг васиятларидан бири—меҳнат фақат бурч бўлибгина қолмай, шараф ҳам эканлигини татбиқ қилаётган янги одам тарбияланди. Кишилар ўзларини нима кўпроқ қизиқтирса шу билан шуғулланишаётгани шеър ёзишдан тортиб гидроэлектростанциялар қуришгача зўр ташаббус билан меҳнат қилаётганликлари менда катта таассурот қолдирди. Братсклик 19 ёшли ишчи қизнинг гаплари ҳамон эсимда:

— Ўз ишимни севаман. Атрофда қурилишида ўзинг қатнашган уйлар қандай кўтарилаётганини кузатиш ва фақат ўзинг учунгина эмас, балки бошқалар учун ҳам қураётганлигингни кузатиш жуда қизиқарли.

— Йўқ, йўқ,—унинг гапини болалар боғчасида музика ўқитувчиси бўлиб ишлайдиган хотин бўлди.—Сиз болаларни тарбиялаш дунёдаги касбларнинг ҳаммасидан муҳим ва чинакам ижодий иш эканлигини сўзсиз тан оласиз.

Ёзувчилар билан бўлган мунозараларни айтмайсизми! Совет адабиётида биз кўп янги талантли овозларни эшитамиз. Совет ёзувчилари СССРда гуллаб ривожланмоқда, ёзувчилар олдида чексиз имкониятлар очилмоқда, деб ҳисоблайдилар.

Москвалик бир шоир шеърият ихлосмандлари учун шеър ёзиш ўзи учун қандай шодлик эканлигини бизга эҳтирос билан тушунтирди. «Ҳа, — деди у,— менинг шеърларим босилган китоблар прилавкаларда пайдо бўлиши билан сотиб бўлинади. Ҳатто магазинларда ўзим учун бирорта нусха ҳам топа олмайман».

Биз Бокудан бир неча соатда босиб ўтиладиган масофада жойлашган совхозда бўлдик. Совхоз директори Қулиев эски дўстим. У кейинги бир неча йилларда меҳнат унумдорлиги ўсганлиги ҳақида ва кишилар фаровонлиги ошганлиги тўғрисида шавқу завқ билан гапирди. 1964 йилда мен бу совхозга биринчи бор келганимда Қулиев яқин йилларда амалга оширилиши белгиланган катта режалар ҳақида ҳикоя қилган эди. Мана энди мен уч йил аввал фақат қоғозда бўлган режаларнинг амалга оширилганлигини кўрдим. Булар янги уйлар, клублар, мактаблар, замонавий қишлоқ хўжалик машиналаридир. Совхозда ҳаёт шароити шунчалик яхшики, ёшлар шаҳарга кетиб қолишмайди, балки қишлоқда меҳнат қилгани қолишади. Шаҳарда ўқиётганлари ҳам касб эгаллаб уйларига қайтишади.

Тошкентда бўлишимиз бизда катта таассурот қолдирди. Бу шаҳар чинакам ажойибот. Дўстлик уйидаги учрашувда ёзувчилар ва шоирлар менга шундай дейишди. **Рангларнинг барча хилларини ўзида акс эттирадиган шудринг томчисидек Тошкентда ҳамма миллатлар ўз ифодасини топди. Ер қимирлашдан кейинги дастлабки кунлардаёқ Ватанимизнинг турли республикаларидан кишилар бизга ёрдамга отланишди».**

Бу ерга Совет Иттифоқининг ҳамма жойидан ишчилар келишди. Улар ўзлари билан бирга керакли ускуналарни ва машиналарни келтиришди. Тошкент аҳолисига ёрдам бериш учун оилалари, уйлари, ишларини қолдириб келиб, кечаю кундуз кучларини аямай шаҳар аҳолисига қардошлик ёрдами кўрсатишди.

Гарчи, бу ерда қилинган катта тиклаш ишлари ҳақида ўқиган бўлсамда, қатор кучли ер ости силкинишларидан кейин бу ерда кўп вайронагарчиликни кўраман деб ўйлагандим. Лекин, шаҳар уч йил бурун кўрганимдагидан кўра кўркамроқ, замонавийроқ, яхши қурилганроқ бўлиб кўринди.

Анча масофани босиб ўтиб Сибирга бордим. Академиклар шаҳарчаси—бу замонавий прогресснинг намунасидир! Бу катта илмий шаҳарча тарихини унинг асосчиларидан бири бўлган йирик олим ва ташкилотчи Михаил Алексеевич Лаврентьев оғзидан эшитишим мен учун катта шараф бўлди. Ғарбий Сибирнинг асосий шаҳри, унинг металлургия саноатининг маркази, нефть ва газнинг яқинда очилган чексиз запаслари ва кўпларнинг фикрича Москва ва Ленинградникидан қолишмайдиган балети бўлган Новосибирскнинг ўзи ҳам катта таассурот қолдирди.

Иркутскда биз йирик илмий марказда бўлдик. Бу ерда ишлаётган олимлар фан ютуқларини ҳаётга максимал тадбиқ қилиш ва Шарқий Сибирь ҳамда Узоқ Шарқ бойликларидан тўлароқ фойдаланиш ғоялари билан банддирлар. Совуқ, аҳолиси оз бўлган Иркутскни улар яшаш учун яхши шароитли шаҳарга айлантиришга аҳд қилганлар. Бу шу район аҳолисини деярли икки баравар кўпайтириш имконини беради. Братскда биз баҳайбат энергокомплекс қурувчилари ишни белгиланганидан олдинроқ тамомлаш учун қандай интилганликларининг шоҳиди бўлдик. Довюрак кишилар кураш олиб борган ёввойи табиат таслим бўлди ва уларга хизмат қилишга тайёр.

Мен у ерда меҳнат қилаётган кўплаб йигит-қизлар билан суҳбатлашдим. Улар ажойиб кишилардир. Улар ҳозир бошқа катта тўғон ва гидроэлектростанция қурилаётган Усть-Илимга боришга тайёрдирлар. Улар ҳаммасини бошиданоқ бошлаб, яна қишда чидаб бўлмайдиган совуқда яшашга ва кўплаб қийинчиликларни кўришга тайёрдирлар. Уларни яратиш қувончи банд қилган. Мана шулар учун Совет кишиларидан миннатдормиз.

Биз Совет Иттифоқининг тинч, яратиш меҳнатини кўрдик. Ҳамма ерда ҳам кишилар АҚШнинг Вьетнамдаги шармандали агрессияси, Америка шаҳридаги негр геттоларидаги воқеалар уларни қаттиқ ғазаблантираётганини гапирдилар. Улар бу мамлакатларимиз ўртасидаги алоқани яхшилаш йўлидаги энг катта тўсиқ дейишади.

Жессика СМИТ,
америка журналисти.
(АПН).

Эфиопияда биринчи марта

АДДИС-АБЕБАДАГИ халқ қаҳрамони Дежазмач Балч номидаги Совет госпиталида яқинда москвалик хирурглар юракни операция қилдилар. Медицина фанлари доктори Нина Ивановна Колесникова, медицина фанлари кандидати Василий Иванович Васильев ва хирург Алексей Николаевич Глаголев бу операцияни Эфиопияда биринчи марта ўтказдилар.

Операция қилинган 16 яшар Абер Шак ва 30 яшар руҳоний Чокали Марта оғир юрак касалидан жафо чекар эдилар. Операциядан сўнг улар ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар. Медицинадаги бу катта воқеани Эфиопияда алоҳида қизиқиш билан кузатиб бордилар. Икки соат давом этган иккинчи операция вақтида Эфиопия императори Хайле Селассие 1 госпиталда ҳозир бўлди. Операциядан кейин император совет врачларининг ишига катта эътибор бериб уларга бир неча савол берди.

— Аддис-Абебадаги бу биринчи госпитални бундан 20 йил илгари мен очган эдим, — деди Хайле Селассие I,— мана энди ўз мамлакатимда юракка қилинган биринчи операциянинг гувоҳи бўлиб турибман. Совет хирургларини муваффақият билан табриклайман ва Совет медицина ходимларига Эфиопияга кўрсатаётган олижаноб ёрдамлари учун халқим номидан миннатдорчилик билдираман. Бу ёрдамни ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди.

Госпитал директори Н. И. Колесникова совет врачларига самимий эътибор берганлиги учун императорга ташаккур билдирди. Юзлаб кишилар император ва совет хирургларини улар госпиталдан чиқаётганларида қизғин табрикладилар.

Н. И. Колесникова мухбиримиз билан суҳбатда: «Бизлар бу мамлакатда юракни биринчи марта операция қилганимиздан хурсандмиз. Эндиликда бундай ишларимизни давом эттирамиз!» деди.

Илгари юракни операция қилдириш ёки даволатиш учун эфиопияликлар чет элларга борар эдилар. Совет медицина ходимлари бу ерда катта обрў қозониб, баланд руҳ билан меҳнат қилмоқдалар.

М. НОВИКОВ,
АПН мухбири.
Аддис-Абеба.

Сув спортининг кўпгина турлари мавжуд. Яқинда уларнинг яна бир тури пайдо бўлди. Бу — шалолада сузишдир. Бундай мусобақаларда чаққонлик ва жасурликдан ташқари яна кичкина сол ва резина костюм ҳам керак. Бундай костюмларни одатда сув остида сузувчилар ва водолозлар кийишади. Бундай спорт турида қатнашган спортчи ўзининг солига маҳкам ёпишиб олиб, шаррос қуйилган шалола тўлқинларида пастга учиб тушади. Шундай ҳолатни сиз «Штерн» (ФРГ) журналида босилиб чиққан суратда кўриб турибсиз.

✦ ✦ ✦

Машҳур австралиялик 23 ёшли спортчи қиз Линда Макгилл аввал Ла-Манш бўғози орқали сузиб ўтишда қатнашган эди. У яқинда Порт-Филипп (Австралия) бўғозини биринчи бўлиб сузиб ўтди.

Арлингтондан то Франкстонгача бўлган 40 километрлик масофани Линда 13 соатда босиб ўтди.

СУРАТДА: Линда Макгилл сузиш пайтида.

«Джапан Таймс» — АПН фотоси.

Камбоджани қўрқитолмайди

Кейинги вақтларда америкалик империалистларнинг Камбоджага қуролли ҳужум қилиш ҳақидаги чақириқлари тобора кўпроқ эшитила бошлади. АҚШ матбуоти, радио ва телевидениеси Камбоджа ҳукуматининг тинчликсевар, мустақил ташқи сиёсатини ва давлат бошлиғи шаҳзода Нородом Сианукни камситиш учун ҳар хил йўллар билан уринмоқдалар. Вьетнамдаги ифлос урушда мушкул аҳволга тушиб қолган Америка ҳукумати ҳарбий ҳаракатларини шарқи-жанубий Осиё ва биринчи навбатда Камбоджага кўчириш йўли билан нажот топмоқчи бўлади. Шу билан бир вақтда улар Камбоджага қарши чегара можаролари чиқариш учун иғвогарлик қилмоқдалар, тинч аҳолини замбарак ва миномётларда ўққа тутмоқдалар, мамлакатнинг осмон ва сув чегараларини бузиб ўтмоқдалар.

Бу мамлакатда гўё Жанубий Вьетнам ватанпарварларини таъминлаб турадиган «Сианук сўқмоқлари» мавжудлиги ҳақидаги даъволар бу иғвогарликни «асослаш»ларнинг биридир. Бироқ Камбоджада турган чет эл мухбирлари ҳам, назорат қилувчи халқаро комиссия аъзолари ҳам, халқаро жамоат трибунасининг аъзолари ҳам, Камбоджа маъмурлари томонидан ҳеч қандай чеклашлар қўйилмасдан мамлакатга келаётган кўп сонли туристлар ҳам бундай «сўқмоқлар»нинг мавжудлигини кўрсатувчи бирон белгини топа олганлари йўқ.

Бироз кейинги вақтларда Камбоджа йўлларида назорат қилувчи Халқаро комиссия аъзолари, элчихоналарнинг ҳарбий атташелари, маҳаллий ва чет эл журналистлари чиқиб олган автомашиналарни кўриш мумкин: «Америка Жанубий Вьетнам ва Таиланд ҳарбийлари томонидан қилинаётган навбатдаги иғвогарлик жойларига ана шундай саёҳатлар Нородом Сианук ташаббуси билан атайин уюштириляпти.

Агар сиз Кхмер халқининг турмуши, унинг тинч меҳнати билан яқиндан танишмоқчи бўлсангиз мамлакат йўллари бўйлаб сафарга чиқинг, хоҳлаган олис жойларга етиб боринг. сизни ҳамма ерда хурсандчилик билан кутиб олишади. Мен Камбоджада икки йиллик ишим мобайнида ўн минг километрлаб ерларни кезиб чиқдим, турли шаҳар ва қишлоқларда, чегараларда бўлдим. «Москвич» машинаси билан шоликорликлар ёки қийин ўтиладиган чакалакзорлар оша буралиб ўтган, зўрға билиниб турувчи йўллардан юрдим, бир неча ўн километрларни пиёда босиб ўтдим. Ҳамма ерда мени совет кишиси бўлганим учун дўстона ва хурсандчилик билан кутиб олишди.

Агар америкаликлар Камбоджада ҳақиқатан ҳам нималар бўлаётганини билиш учун шошилаётган бўлсалар, масалан, Жанубий Вьетнамдан қочиб келган кишилар яшаётган қишлоқни бориб кўришлари мумкин. Улар империалист янкиларнинг Жанубий Вьетнамда қилаётган даҳшатлардан жон сақлаб қолиш учун қочиб Камбоджадан бошпана беришни сўрадилар.

Америка империалистлари уруш оловини Камбоджа территориясига кўчириш учун уриниб эҳтимол бу кексалар, хотин-қизлар ва болаларни «ҳарбий лагерь» ёки «Вьетконг» деб ўйлашаётган бўлсалар керак.

Менга шундай бир воқеани гапириб беришди. Кунларнинг бирида Таиланд билан чегарадош бўлган Баттамбанг вилоятининг шимолида ўз ерида ишлаб юрган бир деҳқон шубҳали кишилар тўдасини кўриб қолади. Улар қуролланган эдилар. Деҳқон уларнинг қайси томонга қараб кетишганини кўргач яқиндаги армия постини огоҳлантиради. Тез орада ҳалиги тўда ўраб олинади ва асир туширилади.

«Мен бизнинг миллий мудофаамиз ишида олийжаноб ёрдам бераётгани учун, — деди яқинда шаҳзода Нородом Сианук, — Совет ҳукуматига яна бир марта чуқур миннатдорчилик билдиришни истайман».

Совет Иттифоқи ва кўпгина бошқа мамлакатларнинг жамоатчилиги Камбоджанинг адолатли позициясини, ўз бетарафлигини ва территориал бутунлигини муҳофаза қилаётган Камбоджа ҳукумати ва халқининг позициясини қатъий қўллаб-қувватламоқдалар.

Ю. МАРУНОВ,
(АПН).

Феликс **ДЕРЕЦКИЙ,**
польша ёзувчиси.

ХОЛИС ХИЗМАТ

Бир корхонадан пешона тери билан топган ҳақимни олишим керак эди. Бир неча марта бош бухгалтернинг олдига бордим, лекин у ҳа деганда пул бермай баҳона қилаверди. Мен директорга шикоят қилмоқчи бўлдим:

— Ҳаммаси тўғри.—деди у.—Ҳақиқатан сиз пул олишингиз керак.

— Бўлмаса, бош бухгалтер тихирлик қиляптими?

— Эътибор берманг, ҳамма бухгалтерлар шунақа. Бу соҳадаги инструкция етарли даражада ишланмаган. Ҳар қандай таърифлаш мумкин. Пулингизни тезроқ олишни истайсизми? Бўлмаса, менинг маслаҳатим, прокурорга шикоят қилинг.

— Прокурорга? Сизнинг устингиздан-а?.. Нега?—ҳайрон бўлдим.

— Шунинг учунки... қандай тушунтирсам экан... Хўш, шунда менинг қўлимда асос бўлади. ҳеч ким менга ёпиша олмайди.

— Шу вақтгача мен ҳеч кимга бундай ҳайвонлик қилган эмасман. Илтимос бу йўлга бошламанг.

Директорнинг юзи қизариб кетди.

— Ҳеч қандай ҳайвонлиги йўқ—эътироз қилди у.—бу одамгарчилик бўлади!

Мен унинг алдовига кўнмай кабинетдан чиқиб кетдим. Ҳатто, шахсий манфаат учун ҳеч қандай айби бўлмаган киши устидан прокурорга шикоят қилишнинг ўзи ҳам жирканчли эди.

Орадан бир неча кун ўтди. Ошналаримдан бирининг уйида директорни учратиб қолдим.

— Нега оғингизни тираяпсиз?—сўради мендан—Мен қандай, ноқулай аҳволда қолганлигимни тасаввур қила олмайсиз. Мен сизга пул тегишини биламан, лекин кейин чатоқ бўлиб юрмаслиги учун, бу пулни суд органларининг қарори билангина тўлай оламан. Жуда беғараз иш.

Директор ҳамиша кетимда соядек юриб, қулоқ-миямни еганлигидан, оғайниларимникидан кетиб қолишга мажбур бўлдим.

Шу кундан бошлаб у менинг кетимга тушди. Ҳушёрлик қилмасанг бўлмайдиган бўлди. Бир кун ошхонада қўлга тушдим. У мен ўтирган столга ўтирди. Ароқ чақирди. Оғайнигарчилик учун ичишга таклиф қилди. Мен унинг макрини билмай рози бўлдим.

— Мен сени дўстим десам бўладими? —сўради у.

— Шубҳасиз.

— Бўлмаса, ялинаман, менга бир хизмат қил. Тушин, ахир, менда ҳам виждон бор. Кечалари ухлай олмайман. Сенга зарарим тегаётганини биламан. Чин қалбимдан сенга яхшилик қилмоқчиман.

Анча вақтгача рози бўлмадим. Лекин директорнинг кўзида ёш кўрингандан кейин прокурорга шикоят ёзишга рози бўлдим.

Натижа аъло. Бир кун ўтмасдан менга тегадиган пул қўлга кирди. Лекин орадан бир неча кун ўтгач, директор менга авахтадан хат ёзибди. Маълум бўлишича менинг хатимдан кейин прокурор текшириш ўтказиб, директордан чатоғлик топишибди.

Шундан кейин ҳолис хизмат қилиб кўр-чи. Энди мен бир неча йил тюрмага передача олиб борадиган бўлдим.

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР КАЛЕНДАРИ

Руминиянинг кичик Аюд шаҳридаги табиат музейи директори Ион Флешериу ўсимликларни эҳтирос билан севувчи ва уларни текширувчи сифатида машҳур. У Руминияда учрайдиган энг муҳим доривор ўсимликлардан икки юздан кўпрогини таърифлаб рўйхат тузди. Рўйхатда, ҳар бир ўсимликнинг хусусияти, унинг киши организмига кўрсатадиган таъсири, бу ўсимликларни йиғиб олиш учун энг қулай муддатлар кўрсатилган. Ион Флешериу ўсимликларни қайси хилда ва қандай касалликларга қарши истеъмол қилиш кераклиги ҳақида маслаҳатлар беради. Автор томонидан «Доривор ўсимликлар календари» деб аталган бу таърифий рўйхат олимнинг кўп йиллик меҳнати, халқ тажрибаси ва махсус адабиётларни ўрганишининг самарасидир. Ион Флешериу мактабда ўсимликшунослик фани бўйича ўқитувчи бўлиб ҳам ишлайди ва ўқувчиларда ўсимликларга, уларнинг сирларини ўрганишга муҳаббат уйғотиш учун ҳаракат қилади.

Д. ДИМОВ,
ТАСС мухбири.
Бухарест.

Доруссалом. (Танзания). Пойтахтнинг бош кўчаси—Мустақиллик авенюсининг кўриниши.

Камер фотоси.
Пресс-ТАСС.

Вроцлавадаги Грюнвальд майдонида

ЙЎЛИНГИЗ тушиб Вроцлавага бориб қолгудай бўлсангиз албатта, Грюнвальд майдонини кўришга ҳаракат қилинг. У Вроцлаванинг илмий марказидир. Бу ерда жаҳонга таниқли математиклар яшайди, полякларнинг миллий фахри бўлган ҳисоблаш машиналари комбинати ишлайди.

Нақ шу Грюнвальд майдонининг ўзида янги бинолар қад кўтарган. Уларнинг эгаси Вроцлава университетининг химия ва география факультети студентларидир. Шу майдонда политехника ва электромеханика институтларининг янги бинолари қуриляпти. Илмий ходимларнинг тўққиз қаватли ва студентларнинг улкан уйлари ўз гўзалликлари билан кишини қувонтиради. Одер дарёси устига қурилган Грюнвальд кўприги оша ўтиб, майдонга назар ташлашингиз билан ўнларча биноларга кўзингиз тушади. Мана ўнг томонда олий қишлоқ хўжалик мактабининг биноси, ундан сал нарироқда Вроцлава медицина академияси клиникаларининг комплекси кўриниб турибди. Қаёққа боқманг қурилиш кранлари ва янги биноларнинг бетон деворларини кўрасиз. Грюнвальд майдонининг бугунги кўриниши ана шундай.

Бундан 23 йил илгари бу ерда уйлар вайрон қилингани ва одамлар ҳалок этилганига ишонгинг келмайди. Ҳа, Грюнвальд майдони Вроцлава тарихида алоҳида саҳифадир.

1945 йилнинг марти. Тўхтовсиз ёнғинлардан чиқаётган тутун қора булут бўлиб шаҳар осмонини қоплаб олган. Фашист гарнизони кўча кетидан кўчани, аҳоли яшайдиган бир район кетидан иккинчисини мунтазам равишда ёндирмоқда ва портлатмоқда эди.

Вроцлава озод қилинишидан олдинги воқеаларнинг тафсилоти бундан икки йил илгари католик черков вайроналари тагидан топилган кундалик дафтар туфайли маълум бўлди. Ҳайратда қолдирадиган бу ҳужжат қиссанинг автори руҳоний Пауль Пекератдир. У ўз ёзувларининг тақдири нима билан тугашини тасаввур қилмай кундалик дафтарига 15 йил ёзиб борган.

«Мен вайроналар ва майдаланган ғиштлар тоғи ёнидан ўтар эканман, — деб ёзади руҳоний, — агар ўн мингларча кишилар ақлдан озган милитаристларнинг буйруғини бажариш учун вайроналарни тозалашда кечаю-кундуз қулларча оғир меҳнат қилсалар ҳам бу ерда ҳеч қачон самолёт учириладиган майдон бўлмаяжак деб ўйлайман. Руслар гаулейтор Ханке шу даҳшатли ва сурбетларча вайрон қилиш методининг ташаббускоридир, деб ҳақ сўзни айтадилар...

Фашистлар Грюнвальд майдонидаги уйлар ва райондаги бутун бир кўчаларни нима учун портлатишди?

Ўз ихтиёрида самолёти бўлган гаулейтор Ханке Совет қўшинлари қуршаб олган қалъадан қутилиш учун йўл тополмаганидан сўнг шаҳар марказида аэродром қуриш ҳақида буйруқ берди. Бу даҳшатли планни бажаришда ўн минглаб кишилар ҳалок бўлди. Бу ишларнинг ҳаммаси 1945 йилнинг 5 майида шу «аэродром»дан гаулейтор Ханке чиққан ёлғиз битта самолётнинг учиб кета олиши учун қилинган эди.

...Ҳозир Вроцлава донғи кетган математик маркази—улкан қурилиш майдони бўлиб қолди. Шаҳар халқ Польшасидаги учинчи йирик илмий марказга айланди. Бу ерда 8 олий ўқув юрти ва 11 илмий текшириш институти жойлашган. Бу эса шаҳар ва Грюнвальд тарихида янги саҳифадир.

Грюнвальд кўприги устида туриб ранг-баранг уйлар, телевидение антенналари, тўла ҳаракатдаги автострадалар, ҳозирги замон уйларининг деразалари, электр чироқ нурларининг Одер дарёсида акс этишини томоша қилиб турар экансиз «Ижодий меҳнат билан банд бўлган ярим миллион аҳоли гўзал Вроцлава шаҳрида қандай ажойиб яшамоқда-я» деб ўйлайсиз.

В. КУЗНЕЦОВ,
ТАСС мухбири.
Варшава.

Суреш Вайдья — машҳур ҳинд журналисти ва ёзувчиси. Айни вақтда машҳур сайёҳ, ўз кўрган-билганларини қатор китобларда моҳирона ҳикоя қилиб берган. Яқинда «Наука» (Москва) нашриёти Вайдьянинг «Олдинда — чангалзор» номли китобини босмадан чиқарди.

Қуйида шу китобнинг илонлар ва илон ўргатувчилар ҳақидаги бобидан олинган парчани диққатингизга ҳавола қилаётирмиз.

• • •

Суреш Вайдья

ИЛОН ЎРГАТУВЧИЛАР

НИҲОЯТ биз уйдамиз — атрофимизда таниш одамлар, таниш манзара. Бу жой Майсур штати ҳукуматига қарашли пансионат бўлиб, меҳмон чиновниклар учун мўлжаллангандир. Бу ерда ҳамма шунга ўхшаш жойлардагидек одатий руҳ ҳукмрон. Лекин мазкур пансионат Мадумаландаги ўрмон ётоқхонасига нисбатан ўзининг виктория услубида жиҳозланган меҳмонхонаси, жимжимадор безалган емакхонаси ҳамда кенг яйловга қараган баҳаво айвони билан кўзимизга жаннат бўлиб кўринди.

Пансионат ўрнилашган баландликдан қаралса, Майсур шаҳри дарахтзорга ўхшаб кетади: унинг пастак иморатлари қуюқ дарахт шохлари ичида бутунлай кўринмайди. Яшил гилам ўртасидан шаҳардаги ягона баланд бино — готика услубида қурилган черковнинг қўнғироқхонаси қўққайиб туради.

Шаҳардан нарироқда ўт-ўлан қоплаган Чамунди тепалиги кўринади. Унинг чўққисида махаражнинг ёзги саройи қад кўтарган бўлиб, бу ерда ҳар тунда қизил олов ёқиб қўйишади. Бу — махаражнинг шаҳарда эканлигини билдириб туради. Мужазгина, худди почта открыткасида тасвирланганидек озода Майсур шаҳри ҳамон гуркираб яшнаётгандек кўринади. Ҳолбуки, князлик тугатилиб, штат пойтахти Бангалурга кўчиши билан Майсур ўз аҳамиятини тобора йўқотиб боряпти.

Биз чойни одатда айвонда ичардик. Муздек шамол ҳамиша эсиб турар, офтоб эркалаб боқарди. Қуёш ботиши билан хилма-хил қушлар учиб келарди: мана оқ қарқарлар учиб ўтди, улар кетидан ҳавони қанотлари билан кесиб каптарлар пайдо бўлди, узун думли сассиқ попишаклар худди ўқдек ўтиб кетди. Мана, шаҳар қалдирғочлари осмони фалакка кўтарилди, вазмин калхатлар эса тезроқ учишга уринишади. Қоронғулик қуюқлашганда эса учувчи тулкилар пайдо бўлди. Улар атроф қоп-қоронғу бўлганига қадар соябонга ўхшаш қанотларини шапиллатиб учиб юрдилар.

Каргудида эканимизда менинг номимга, илон ўргатувчи ҳинд усталари ҳақида ҳикоя ёзиб беринг, деган мазмунда журналдан илтимоснома хат келди. Ҳамроҳим Илла Деҳлида илон ўргатувчилар санъатини кўриб ғоят таъсирланганини кўрганимдан сўнг ҳам миямга шу фикр келганди.

ТАСАВВУР қилинг. Кўприк устида қулоғига катта чамбарак зираклар осган, кўйлак ва белбоғ таққан, бошига салла ўраган уч киши чўккалаб ўтирибди. Ўртада — улуғвор қиёфали чол. У қовоқдан ясалган найни пуфлайди. Найнинг бир учи чолнинг олдига қўйилган япалоқ бамбук корзинканинг қопқоғига тегиб турибди. Унинг икки томонида икки шериги ўтириб олиб, ўткинчиларни чақиради. Уларнинг олдида ҳам бамбукдан ясалган корзиналар. Халойиқ тўплана бошлайди. Элликка яқин одам йиғилди. Улар кенг ярим доира ясаб ўтириб олишган. Шунда ҳалиги чол уёқдан буёққа тебраниб, найни тобора баландроқ чала бошлади.

У қадимий куй эмас, кинофильмдаги машҳур бир куйни чалди, чалганида ҳам яхши чалди. Сўнг ўзини орқага ташлади. Корзинканинг қопқоғини кўтарди ва ундан кичик бир нарсани ташлаб юборди. Бу нарса ерга тегиб, шипиллаган овоз чиқарди, кулча бўлиб ўради, кулча ичида бош беркинганди. Бу қора илон эди. Чол яна энгашиб иккинчи бир нарсани ерга ташлади. Бир бўлак пўкак арқонга ўхшаш бу нарса вазмин «икки бошли» илон эди. (Бу қум илонларининг бир туридирки, унинг бошга ўхшаш қисқа думи борлигидан боши иккита, деган фикр кенг тарқалгандир). У тушган жойида қотиб қолди. Яна бир илон — «от» илон худди шу йўл билан пайдо бўлди. У одамларнинг оёқлари остидан ўтиб кетишга уринганида томошабинлар қўрқиб кетишди. Чолнинг шериклари уни бир неча бор тутиб олиб, ярим доира ичига яна қайта улоқтирдилар.

Най жимиб қолди. Илон ўргатувчилар илонларни бирма-бир олиб, ҳавода муаллақ тутиб, томошабинларга кўрсатишди. «Кўрдингизми бу қора илонни, — дейишди улар — у жуда заҳарли» «Буниси нима? — сўрашди улар яна «икки бошли» илонни кўрсатиб, — буниси ҳам заҳарли». Уларнинг айтишича, фақат «от» илон заҳарсиз экан. «Хўш, бу илон сизнинг ётоғингизга кириб қолса-чи?» — сўрашарди ўргатувчилар. Кейин, бу илон одамларнинг кўрпаси ичига кириб ётишни ёқтиради, деб қўшиб қўйишарди. Сўнгра сирли бир қиёфада илонларни тегишли корзинкаларга яна солиб қўйишди. Томошабинлар нафас чиқармай қараб туришарди.

Томошанинг иккинчи, асосий қисми бошланди. Аввал баланд овоз билан най чалинди, корзинка деворига бир-икки урилди. Чол қопқоқни кўтариб улгурмасиданоқ бўйни шишган, тор арқонга ўхшаш қора ва ялтироқ бир илоннинг боши кўринди. Бу кобра — кўзойнакли илон эди. Ундан кейин яна бошқаси, сўнг учинчи кобра бош кўтарди. «Бу жуда чиройли маҳлуқ, лекин чақса ўлдиради» — деб қичқирди чол. Унинг сўзлари томошабинларни титроққа солди. Илонлар най оҳангига мос равишда тебранишарди. Гоҳ бир томонга, гоҳ иккинчи томонга, сўнг орқага тебранишди, уларнинг қип-қизил тилчалари чўғдек ёнарди. Манзара ажойиб, хаёлий эди. Кобралар ўн минутдан ортиқ чайқалиб туришди, сўнг корзинкага тушишди.

Пировардида ўн етти фут узунликдаги қирол кобраси пайдо бўлди. Илон у ёқдан бу ёққа чайқалиб, халойиқни шундай мислсиз даҳшатга солдики, уни тезроқ корзинкага солишга тўғри келди. Қирол кобраси оддий кобрадан кучлироқ, заҳарлироқ: уни тутувчилар ҳам жуда кучли ва жасоратли бўлишлари керак.

(Давоми бор).

Тасвирий санъатнинг ички сирлари жуда кўп. Расм томошабинга ҳузур бағишлаши, уни ҳаяжонга солиши керак.

Республика музика-рассомлик интернатида беш йилдан буён дарс бериб келаётган Е. А. Чистов талабаларга рассомликнинг нозик сирларини ўргатиб келяпти.

СУРАТДА: Е. А. Чистов расм дарсида.

Р. Отажонов фотоси.

АДИБЛАР ТЎЙИГА

Киров районидаги Крупская номли кутубхона ходимларининг йиғилиши А. Навоий туғилган кунининг 525 йиллигини ва М. Горький туғилган куннинг 100 йиллигини муносиб кутиб олишга бағишланди.

Унда А. Навоийнинг асарлари виставкасини ташкил этиш ҳамда «Навоий ғазаллари», «Навоий рубоийлари», «Навоий достонлари» ва бошқа темаларда ўқувчилар конференциялари ўтказишга қарор қилинди.

Шунингдек, М. Горький туғилган куннинг юз йиллигини нишонлашга ҳам катта ҳозирлик кўрилмоқда. «М. Горький совет адабиётининг асосчиси» деган виставка ташкил қилинди.

Китобхонлар билан В. И. Ленин «М. Горький ҳақида», «Она» романи, «Горький публицист» каби қатор суҳбатлар ҳам ўтказилади.

— Бу тадбирлар китобхонлар қизиқишини уйғотиши билан бирга, уларнинг сонини ҳам оширмоқда, — дейди кутубхона мудири Н. З. Рязанская.

ТУЗАТИШ

«Тошкент оқшоми» газета редакцияси газетхонларнинг талаб ва истакларини эътиборга олиб, самарқандлик М. Ашуровнинг «Топилган Жиян» мақоласини шу йил 12 январь сонида босиб чиқарган эди. Мақола география фанлари кандидати Маъди Абдужабборовнинг сўзларига асосан ёзилган ва Самарқанд область газетасида илгари босилган. Маълум бўлишича, мақоладаги фактлар ҳақиқатга тўғри келмайди.

Редакция газетхонлардан кечирим сўрайди.

ТАБАРРУК ОНА

Бир асрдан зиёд умр кўрган Ҳадича бувига дам олинг, юмушларини невара-чеварангиз қилади десангиз, болам, инсонни инсон қиладиган меҳнат-ку, меҳнат қилмасам шунча умр кўрмасдим, — дейди у.

107 ёшга кирган Ҳадича буви кўзойнаксиз, ҳассасиз уй-рўзғор ишларига боқишиб ҳам туради.

Киров районидаги Мусоргский кўча, 12-уйда турувчи бу табаррук онанинг 15 невараси, 35 эвараси бор.

С. Султонов.

Редактор С. М. ҚАРОМАТОВ.

Реклама ва эълонлар

Радио тўлқинларида

Радиода

2

ФЕВРАЛДА
ЖУМА

Биринчи

18.00 Коммунистик ахлоқ ва тарбия мавзуларида. Философия фанлари кандидати М. Нурматовнинг «Жамоатчилик ва эстетик тарбия» деган суҳбати (ўзбекча).

18.10 Музикали драмалардан парчалар (ўзбекча).

19.20 Совет Армияси жангчилари учун концерт (ўзбекча).

20.00 «Ўзбекистан индустриальний» радиожурнали (русча).

20.30 Саноат ходимлари учун концерт (русча).

21.00 Халқаро мавзуларда суҳбат (ўзбекча).

21.10 Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт.

21.40 Сиёсий билимлар радиоуниверситети. «Қўшимча қимматнинг эксплуататорлар ўртасида тақсимланиши» деган суҳбат (ўзбекча).

22.20 Вальс концерти (ўзбекча).

22.40 А. Навоий туғилган кунининг 525 йиллиги олдидан. «Навоий афоризмлари» деган суҳбат (ўзбекча).

23.15 Радио эшитувчиларнинг талабларига мувофиқ концерт.

Иккинчи

19.00 Кинофильмлардан куйлар (ўзбекча).

19.30 Эстрада куйлари (русча).

20.00 Рубобчи аёллар ансамблининг концерти (тожикча).

20.30 «Жонажон ўлка қўшиқлари» деган адабий-музикали эшиттириш (ўзбекча).

20.50 «Ер тилини биладиганлар» деган эшиттириш (русча).

21.00 Александр Блок шеърлари (ўзбекча).

21.30 Москва. Миллионлар ленинча университети.

Радиода

3

ФЕВРАЛДА
ШАНБА

Биринчи

6.15 Тонгги концерт.

8.25 Ўзбек халқ куйлари.

9.30 Чолғу куйлари (ўзбекча).

10.10 СССР халқларининг куйлари.

10.30 «Қувондиқ Искандаров куйлайди» деган концерт-очерк (ўзбекча).

11.15 С. Бобоев. «Байрам куни» симфоник поэмаси.

12.15 Радио эшитувчиларнинг талабларига мувофиқ концерт (ўзбекча).

13.30 Дўстларимиз эстрадаси (русча).

15.10 «Правда» газетасининг обзори (ўзбекча).

15.20 «Фан ва турмуш» радиожурнали (ўзбекча).

15.40 Ўзбек куйлари.

16.10 Эстрада концерти.

17.20 Уйғур куйларидан концерт.

18.00 «Сиз ёқтирган қўшиқлар» деган концерт (ўзбекча).

18.40 Спорт эшиттириши (ўзбекча).

19.20 Дам олиш концерти (ўзбекча).

20.00 «Гулшан». Адабий-музикали эшиттириш (ўзбекча).

21.20 А. Навоий туғилган кунининг 525 йиллиги олдидан. «Навоий ғазаллари» деган адабий-музикали эшиттириш (ўзбекча).

22.00 «Қардош социалистик мамлакатларда» деган эшиттириш (ўзбекча).

22.10 «Шанба оқшомида» деган концерт (ўзбекча).

23.10 Лирика кечаси (ўзбекча).

Иккинчи

8.25 Бутуниттифоқ радиоси электр чолғу асбоблари ансамблининг концерти.

9.15 Спорт эшиттириши (русча).

19.00 Ҳажвий ҳикоялар (ўзбекча).

19.30 Поэзия гулдастаси (русча).

20.00 Ўзбекистон санъат усталарининг концерти (тожикча).

20.30 Озарбайжон куйлари.

20.50 «Проблемалар, тадқиқотлар, ўйлар» (русча).

21.00 Рақс куйлари.

21.30 «СССРда социализм қурилиши — совет халқининг буюк жасорати» деган суҳбат ва концерт (татарча).

Учинчи

14.00 П. И. Чайковский. «Евгений Онегин» операси.

Зангори экранда кўринг

Телевизорда

2

ФЕВРАЛДА
ЖУМА

Биринчи

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида:

18.00 Телевизион янгиликлар.

18.15 Болалар учун. «Музикали минутлар».

18.45 «Столга марҳамат». Илмий-оммабоп фильм.

18.55 Реклама ва эълонлар.

19.05 Ўзбек композиторларининг симфоник куйлари.

20.00 Эшиттиришлар программаси.

Ўзбек тилида:

20.05 Телевизион янгиликлар.

20.25 «Ота-оналар университети».

21.05 «Октябрь» колхозининг ташаббуси». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш.

21.30 «УРУШ ВА ТИНЧЛИК». Андрей Болконский. Бадиий фильмнинг биринчи серияси.

Иккинчи

Рус тилида:

18.00 Ўқув эшиттиришлари программаси. Студентлар учун. Олий математика.

19.00 Студентлар учун. Чизма геометрия.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.00 Эшиттиришлар программаси.

20.05 Телевизион янгиликлар.

20.15 В. Тендряков асари асосида телеспектакль премьераси.

21.00 Кичик ёшдаги ўқувчилар учун. «Порлаб турувчи юлдузча».

21.30 «Октябрь солдатлари». Г. И. Петровский. Туғилган кунининг 90 йиллиги олдидан.

22.00 «Оперетта актрисаси». Республикада хизмат кўрсатган артистка Татьяна Шмиганинг ижодий кечаси.

23.30 Янгиликлар эстафетаси.

00.15 «Манежда». Телефильм премьераси.

00.45 Эфирда «Молодость».

01.15 Старт арафасида. Гренобльда бўладиган олимпия ўйинлари олдидан.

02.00 Москва эшиттиришларининг охири.

Учинчи

Рус тилида:

18.00 ВОЛЕЙБОЛ. А класси бўйича Совет Иттифоқи биринчилиги учун. «Ёшлик спорт аренаси»дан олиб кўрсатилади.

Ўзбек тилида:

20.00 Республиканинг саноат корхоналарида.

20.20 «Юқорига учиш усталари». Ҳужжатли фильм.

20.40 Тошкент янгиликлари.

20.50 Дўстларимиз эстрадаси.

Рус тилида:

21.30 Тошкент янгиликлари.

21.40 Совет Қуролли Кучларининг 50 йиллиги олдидан. «СОЛДАТЛАР». Бадиий фильм.

Телевизорда

3

ФЕВРАЛДА
ШАНБА

Биринчи

Ўзбек тилида:

10.55 Эшиттиришлар программаси.

11.00 Ўзбек куйларидан концерт.

11.25 Совет Қуролли Кучларининг 50 йиллиги олдидан. «ТИРИКЛАР ВА ЎЛИКЛАР». Бадиий фильмнинг биринчи серияси.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

13.00 «Туғилган кунинг билан».

13.30 «Здоровье». Илмий-оммабоп программа.

14.00 «Санъат ва биз». Телевизион журнал.

14.30 Интервидение. Мактабгача ёшдаги болалар ва кичик ёшдаги ўқувчилар учун. «Юринглар биз билан, ҳайвонлар олдига борамиз».

15.00 Эфирда «Молодость». Ленин комсомоли мукофоти лауреатлари Филипп Жерар ва Жак Дрежак.

16.00 Телевизион янгиликлар.

16.30 Кундузги Москва эшиттиришларининг охири.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

16.55 Эшиттиришлар программаси.

17.00 Рус тилида телевизион янгиликлар.

Ўзбек тилида:

17.10 Болалар учун концерт.

17.40 «КАТЮША». Ҳужжатли фильм.

18.00 «ЁШЛИК» студияси кўрсатади. «Истиқбол эгалари» тележурнали.

19.00 Халқ ҳофизларининг концерти.

19.50 Телевизион янгиликлар.

20.05 Эшиттиришлар программаси.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.10 Киносаёҳатчилар клуби.

21.10 «Ярим аср йилномаси». Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильм. «1964 ЙИЛ».

22.00 «Вақт» информацион программаси.

22.30 Композитор А. Петровнинг ижодий кечаси.

23.30 Интервидение. «Тиу Тау ТВ». Телепрограмманинг 10 йиллиги.

01.00 Интервидение. «Санъат усталари». «Сергей Михайлович». С. М. Эйзенштейн туғилган кунининг 70 йиллиги олдидан.

02.15 Телевизион янгиликлар.

02.30 Эшиттиришлар программаси.

02.35 Рақс зали.

03.05 Москва эшиттиришларининг охири.

Иккинчи

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида:

16.55 Эшиттиришлар программаси.

17.00 Болалар учун. «Уч чўчқача ва баджаҳл бўри». Мультфильм.

17.20 Ёшлар учун. «Қизил елканлар».

18.00 «Инсон ва қонун».

18.40 Югославия эстрадасининг концерти.

19.05 Н. В. Гоголь. «ДИКАНКА ҚИШЛОҒИ ОҚШОМЛАРИ». Бадиий фильм.

Ўзбек тилида:

20.10 Саломатлигингиз керак.

20.40 «Япония оролларидан репортаж». Ҳужжатли фильм.

21.00 СССР халқлари қўшиқ ва рақс ансамблларининг концерти.

21.40 «ЕНГИЛ ҲАЁТ». Бадиий фильм.

лар.

Учинчи

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ

Рус тилида:

17.00 Экран кичкинтойларга.

17.10 Реклама ва эълонлар.

17.20 «Фрунзе оқшоми».

18.00 Жаҳон санъати кинокамерада.

19.10 Эшиттиришлар программаси.

Қирғиз тилида:

19.15 Телепостановка.

19.45 БАДИИЙ ФИЛЬМ.

Кино театрларда

2 ФЕВРАЛДА

Ричард III (1 ва 2-серия) — САНЪАТ САРОЙИ, «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли, «ВОСТОК» (кечқурун).

Калит — «ЧАЙКА» (кеч соат 6, 8 ва 10 да).

Қора қоплон — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Жаннатдан қувилганлар — «МОСКВА» (кечқурун).

Итальянча никоҳ — САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 9 да).

3 ФЕВРАЛДА

Ричард III (1-2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли, «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Қора қоплон — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ». «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Малиновкада тўй (эрталаб соат 10, 12 ва кундуз 2, 4 да). **Калит** (кеч 6, 8, 10 да): — «ЧАЙКА».

Жаннатдан қувилган — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Итальянча никоҳ — САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 9 да).

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 3/II да **Семург**, 4/II да эрталаб **Этик кийган мушук**, кечқурун **Боғчасарой фонтани**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 3/II да **Гули сиёҳ**, 4/II да **Ёшликда берган кўнгил**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Майдонда москвaликлар» — Совет цирки усталари ва Олег Сокол раҳбарлигидаги радио-механик одам — «Робот» аттракционининг сўнгги гастроллари. Билетлар сотилмоқда.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

3 ва 4 февраль кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда

Москва цирки усталари ҳамда Олег СОКОЛ раҳбарлигидаги радио-механик одам — «Робот» иштирокида электрон-иллюзион аттракционининг

ХАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛЛАРИ

Билетлар сотилмоқда.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА

ТЕЗ КУНДА

ҚИЗБУЛОҚ

(3 парда 9 ҳикояли фожиа)

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби **ТУРОБ ТУЛА** асари.

Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган санъат арбоби **И. АКБАРОВ** музикаси.

Постановкачи режиссёр **А. Раҳимов.**

Дирижёр **Қ. Усмонов.**

Рассом **Т. Шораҳимов.**

Хормейстер **О. Назруллаев.**

Концертмейстерлар **А. Б. Малина** ва **М. А. Фурман.**

Режиссёр ассистенти **Р. Муҳитдинова.**

ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОМЕХАНИКА ТЕХНИКУМИ ҚОШИДА

1 мартдан

4 ойлик тайёрлов курслари

ТАШКИЛ ҚИЛИНАДИ

7-8 ва 10-11 синф ҳажмидаги маълумотлар қабул қилинади.

Аризалар 20 февралгача қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Кабель заводининг соцгородоги, Бабушкин кўчаси, 4 уй,

Тошкент шаҳар, Аляцкая кўчаси, 152-мактаб.

ТОШКЕНТ ШАҲАР, КИРОВ РАЙОНИДАГИ 3649-МАРКАЗИЙ ОМОНАТ КАССАСИГА

контролёрлар, кассирлар, бухгалтерлар ва юқоридаги касбларга ўргатиш учун шогирдлар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Коммунистическая кўчаси, 12-уй. Телефон В-3-38-92.

ТОШКЕНТ ХЛАДОКОМБИНАТИГА

Морожний фабрикаси ишчилари (хотин-қизлар), гўшт ортиш ва тушириш бўйича юкчилар (ишбайга), электр монтёрлари (вақтбайга)

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Воровский кўчаси, 6-уй, кадрлар бўлими (5, 7, 12-автобусларининг «1-Бино заводи», 3, 16, 26-автобусларининг «Фигельский» бекатлари), телефонлар Е-6-24-12, Е-6-24-13.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИга

қуйидаги мутахассисдаги оркестр артистлари

КЕРАК

Саксафон-Альт-I, саксафон-Альт-II, саксафон-Тенор-II, саксафон-Баритон, биринчи трубачи.

Мурожаат учун телефон 5-08-11 эрталаб соат 10 дан кундуз 12 гача, ҳамда соат 3 дан кеч 6 гача.

„УЗЭНЕРГОСБЫТ“

Ҳамма истеъмолчилардан куннинг ёруғ пайтида уйлардаги, магазинлардаги, корхоналардаги, кўчалардаги, шунингдек бино ичидаги

ЭЛЕКТР ЛАМПАЛАРИНИ

учириб қўйишни сўрайди.

Куннинг ёруғ вақтида ташқи ёритиш лампаларидан фойдаланганларга огоҳ қилинмасдан

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ

узиб қўйилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 бет

2 ФЕВРАЛЬ, 1968 Й.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» —
Орган Ташкентского
Горкома КП Узбекистана
и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Дзержинский кўчаси, 15-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ. Коммутатор — В3-02-49 дан В3-02-58 гача, редактор ўринбосарлари — В3-29-33; В3-29-09; масъул секретарлар — В3-27-22; партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари — В3-29-42; саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — В3-27-03; адабиёт санъат ва маданият бўлими — В3-29-55; хатлар ва оммавий ишлар, физкультура ва спорт бўлимлари — В3-29-70; фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари — В3-27-57; ахборот бўлими — В3-65-57; эълонлар бўлими — В3-81-42.

Р. 06614 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64579. Нашр. № Б. 2323.